

“АМАЛИЁТ ЭЪТИРОФИ — 2015”: ЯНГИ НОМЛАР, ЯНГИ ҒОЛИБЛАРНИ АНИҚЛАДИ



Журналист учун “фалон газетада мақолангизни ўқидим, яхши ёзибсиз”, “кеча телевизорда лавҳангизни, кўрсатувингизни кўрдим, зўр чиқибди”, “радиода эшиттиришингизни тинглаб, ўйга толдим, долзарб мавзунни кўтаргансиз” деган эътирофни эшитишдан ортиқроқ хузур бўлмаса керак, аслида. Агар унинг меҳнатини жамоа (катта-кичиклигидан қатъи назар) тан олса, жамият кадрласа, журналист учун бу катта шараф ва жиддий масъулиятга айланади. Бундай эътибор ва эътирофни ҳали университет аудиториясида таҳсил олаётган бўлғуси журналистлар ижодига нисбатан ҳам кўрсатиш ўзининг ижобий самарасини бераётганини даврнинг ўзи тасдиқламоқда.



Жорий йилнинг 18-ноябрида ташкил этилган амалиёт конференцияси “Амалиёт эътирофи — 2015” деб номланди. Эрталабдан университет фаоллар зали талабалар томонидан байрамона безатилди. Деворларга журналистикага оид кўргазмалар, талабаларнинг ижод намуналари акс этган газеталар осилди. Техник ускуналар ўрнатилди. Анжуманни ёритишга ОАВ вакиллари ҳозир бўлдилар. Кўп ўтмай, зал факультет профессор-ўқитувчилари, талабалар билан тўлди. Шунингдек, меҳмон сифатида турли газета, журнал таҳририятлари, телерадиоканаллар вакиллари, веб-сайт, ахборот агентликларидан ходимлари ҳам таклиф этилди.

Бир оз техник носозлик туфайли, анжуман белгиланган вақтдан 15 дақиқа кеч бошланди. Талабалар томонидан тайёрлаган сценарий асосда саҳнага 4-курс талабалари Озода Яхшиева билан Ўктам Усмоновларнинг

чиқиб келдилар. Талабалар тенгдошларини қарсақлар билан қўллаб-қувватлашлари орадаги камчиликнинг ўрнини ёпиб, амалиёт анжуманини кўтаринки руҳда бошланишига сабаб бўлди ва шу кўтаринкилик тадбир охиригача сақланиб қолди. Анжуманни факультет декани вазифасини бажарувчи Алишер Матёкубов очиб, йиғилганларга халқаро журналистика факультетида бу йилги амалиёт ишларининг ташкил қилиниши, талабаларнинг йил давомида ОАВда эълон қилинган журналистик материаллари, кўтарган долзарб мавзулари, ўзига хос нуқтаи назарлари ва уларнинг айримлари жамоатчилик эътиборига тушганлиги ҳақида гапирди.

–Агар фактларга мурожаат этадиган бўлсак, – деди А.Матёкубов, ўз чиқишида, – танловда ёзги малакавий амалиётни ўтаган 2-, 3-, 4-курс талабаларининг барчаси иштирок этди. Уларнинг ичида энг намунали 45 нафар талабанинг ишлари амалиёт раҳбарлари томонидан танлов комиссиясига тақдим этилди. Бу талабаларнинг 25 нафари матбуот, 9 нафари телевидение, 4 нафари радио, 5 нафари ОАВ сифатида рўйхатдан ўтган веб-сайтларда амалиёт ўтаган, 2 нафари эса журналистика соҳасида илмий-тадқиқот олиб борган изланувчан ёшлардир. Танловга умумий ҳисобда 1042 та иш келиб тушди. Уларнинг 524 таси матбуотда чоп этилган, 319 таси телевидениеда, 123 таси радиода эфирга узатилган, 66 таси интернетда берилган журналистик материаллар ҳамда 10 таси илмий мақолалардир.

Таъкидлаш жоизки, беш йилдан бери куз фаслининг охириги ойида мунтазам ўтказиб келинаётган ушбу анжуманида талабаларнинг йил давомида мамлакатимиз турли ОАВда ўтаган амалиёт натижалари сарҳисоб қилиниб, эътибор ва эътирофга муносибларини рағбатлантириш анъанага айланди.

Анжуманда шунингдек, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Иброҳим Ҳалимбеков, университет ўқув ишлари бўйича проректор Акбар Нурматовлар ҳам сўзга чиқиб халқаро журналистика факультетида амалиёт жараёнларининг йўлга қўйилиши, бўлғуси журналистлар учун муҳим ижодий лаборатория эканлиги, уни тўғри ташкил этиш ва рағбатлантириш орқали ёш журналистларнинг чуқур ихтисослашуви, касб маҳорати ошишига кўмаклашиш, натижада мураккаб глобаллашув жараёнида рўй бераётган воқеа ва ҳодисаларга тезкор, холис ва ҳаққоний ёритишда юқори малакали мутахассислар етиштиришда бундай тадбирлар муҳим аҳамият касб этиши ҳақида гапирдилар. Талабалар томонидан янграган куй-қўшиқлар, ижро этилган рақслар ва сахна кўринишлари анжуманга янада жўшқинлик ва янада жонлилик бахш этди.



Навбат танлов ғолибларини эълон қилишга етди. Таблода **“Ижтимоий-сиёсий мавзудаги энг яхши журналистик материал учун”** номинацияси деган ёзув пайдо бўлди. Унинг ғолибини аниқлаш ва мукофотни топшириш учун сахнага Ўзбекистон журналистлар ижодий уюшмасининг раиси Иброҳим Ҳалимбеков таклиф этилди. Бу номинацияга ғолиб деб **301-гуруҳ талабаси М. Қаюмова** топилди. Мукофотни топширар экан, Иброҳим Ҳалимбеков Моҳларойимнинг матбуотда чоп этилган ҳар бир мақоласи ўзига хос воқелик бўлганини алоҳида таъкидлади. Шундан сўнг **“Иқтисодий ва ҳуқуқий мавзудаги энг яхши журналистик материал учун”** номинацияси бўйича ғолибни университет ўқув ишлари бўйича проректор Акбар Нурматов эълон қилди ва унга Қорақалог'истон телевидениесида амалиётни ўтаб, мазкур йўналишда қатор лавҳалар тайёрлаган **302-гуруҳ талабаси Д. Даулетбоева** лойиқ топилди. Аҳамиятлиси, ўтган амалиёт анжуманида Дилшода радиожурналистика бўйича ғолиб бўлганди. Қолган ғолиблар ҳам булардан кам эмас. Жумладан, **“Таълим-тарбия мавзусидаги энг яхши журналистик материал”** (матбуот) ғолиби **402-гуруҳ талабаси Д. Дўстбековга**, **“Маданий-маърифий мавзудаги энг яхши журналистик материал”** (матбуот) ғолиби **302-гуруҳ талабаси К. Эрмаматовага**, **“Санъат мавзусидаги энг яхши журналистик материал”** (матбуот) ғолиби **301-курс талабаси П. Омоновага**, **“Табиатни муҳофазаси ва экология мавзусидаги энг яхши журналистик материал”** (радио) ғолиби **303-гуруҳ талабаси И.Муҳиддиновага**, **“Ёшларга оид давлат сиёсатини акс эттирган энг яхши журналистик материал”** (радио) ғолиби **301-гуруҳ талабаси А.Алижоновга**, **“Кексаларни эъзозлаш йили”га бағишланган энг яхши журналистик материал”** (матбуот) ғолиби **304-гуруҳ талабаси Н.Маҳкамовага**, **“Спорт мавзусидаги энг яхши журналистик материал”** (матбуот) ғолиби **304-гуруҳ талабаси Ф.Тошпўлатовга**, **“Ахборот технологиялари мавзусидаги энг яхши материал”** (матбуот) ғолиби **204-курс талабаси Т.Абдулинга** насиб этди. Ғолибларга мукофотларни рамзий белги – дўппи кийган глобус, диплом ва совғаларни анжуманга ташриф буюрган ОАВ таҳририятлари бош муҳаррирлари ва бош муҳаррир ўринбосарлари топширишди.

Таъкидлаш жоизки, бу йилги танловнинг ўзига хослиги ОАВ турлари бўйича эмас, балки ОАВ турларида мазкур мавзуларнинг ёритилишига эътибор қаратилди. Фақат бу билан чекланмай жанрлар бўйича ҳам алоҳида номинациялар эълон қилинди. Унга кўра, “Энг яхши фоторепортаж” номинацияси бўйича 302-гуруҳ талабаси М.Нурмонова, “Энг яхши репортаж” 202-гуруҳ талабаси Н.Ҳабибуллаева, “Энг яхши янгилик” 203-гуруҳ талабаси М.Тўраев, “Энг яхши тахлилий материал” (телевидение) бўйича 402-гуруҳ талабаси О.Яхшиева, “Энг яхши интервью-суҳбат” бўйича (интернет) 301-гуруҳ талабаси Н.Йўлдошев, “Энг яхши очерк” бўйича 301-гуруҳ талабаси Н.Аҳмедова, “Энг яхши шарҳ” (телевидение) номинацияси бўйича 204-гуруҳ талабаси Н.Силькиналар ғолиб деб топилди. Уларга ҳам махсус диплом, глобус ва совғалар топширилди.

Аҳамиятлиси, бу анжуман йилдан-йилга ривожланиб, такомиллашиб бормоқда. Бу йил ғолиб бўлган талабаларнинг 30га яқин мақолалар “Ижодий маҳорат эпкинлари” номи остида тўплам шаклида чоп этилди. Аудиовизуал журналистика бўйича энг яхши эшиттириш ва телелавҳалар ёзилган дисклар тўплам муқовасига ёпиштирилган конвертларда илова қилинди. Бу ҳам жорий йилнинг ўзига хос янгилиги сифатида талабаларнинг янада яхшироқ ижод қилишларига ундайди.

Агар ўтган йили амалиёт анжуманини ўтказишга “Аудиовизуал журналистика ва оммавий коммуникация” кафедраси масъул бўлган бўлса, бу йил ташкилотчилик навбати “Халқаро журналистика назарияси ва амалиёти” кафедраси профессор-ўқитувчилари зиммасига тушди. Тадбирга “Бошланғич таълим” журнали таҳририяти бош ҳомийлик қилиб, махсус диплом, рамзий глобус ва совғалар тайёрлашда бош-қош бўлди.

Хуллас, “Амалиёт эътирофи – 2015” танлови факультетда янги ғолибларни, янги номларни кашф қилди. Бошқа талабаларга эса ғолиблик учун янада кўпроқ ҳаракат қилишларига туртки бўлди. Аслида амалиёт анжуманининг мақсад ҳам шу. Факультетда соғлом ижодий рақобат муҳитини яратиш орқали миллий журналистикамизнинг эртанги кунига хизмат қилувчи мутахассислар етиштиришдир. Қолганини эса вақт кўрсатади.

Назира ТОШПЎЛАТОВА

доцент

филология фанлари номзоди

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.